



» Байрам муборак!

## Президент ўқитувчи ва зиёлиларга мурожаат қилди



Кеча Тошкентдаги Халқаро конгресс марказида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, ушбу байрам илк бор давлат раҳбари иштирокида ўтди. Бу – таълим ва тарбия масаласи алоҳида устувор йўналиш даражасига кўтарилганининг

яққол далили.

– Биз ҳар биримиз ҳаётда қандай муваффақият ва натижаларга эришган бўлсак, бу ютуқларда сизларнинг бекиёс хиссангиз борлигини доимо миннатдорлик билан эътироф этамиз, – деди Шавкат Мирзиёев тадбирга йиғилган ўқитувчи ва зиёлиларга мурожаатини бошлар экан.

Ҳақиқатан ҳам, инсон тарбиясида, ка-

молотида устозларнинг хизматлари улуг. Бу йилги пандемия билан боғлиқ қийин шароитда ҳам жонқуяр ўқитувчилар ўз ишини давом эттирмоқда. Аксарият мактабларда янги ўқув йили бошланди. “Онлайн мактаб” лойиҳаси ва масофавий таълим йўлга қўйилди. Таъбир жоиз бўлса, бугун ўқитувчилар иккита фронтда кураш олиб бормоқда.

Давоми 2-саҳифада »

Ушбу сонда



**Бир дарахтнинг икки шохи...**

2-саҳифада »

**Муҳташам минбардан янграган тилим**

3-саҳифада »

**Хива – миноралар шаҳри**

5-саҳифада »

**Муסיқа санъати қалбимни ром этган**

5-саҳифада »

» Бебаҳо касб шарафи



## Устозларга таъзим!!!

Дунёда ҳар бир касбнинг ўз ўрни, аҳамияти бор. Лекин одамзод туғилиб-ўрғатувчига, устозга эҳтиёж сезади. Не-не даҳоларнинг ҳам устози бўлган. Шу боис уларни бебаҳо касб эгалари дея шарафлаймиз.

Шу ўринда мен Навоийдек буюк даҳонинг ҳам устози, ҳам дўсти бўлган Абдурахмон Жомийнинг ўқитувчилар ҳақидаги таърифини келтироқчиман: “Устод, муаллим-сиз қолса гар замон, Нодонликдан қора бўларди жаҳон!”

Ўқитувчилар шаънини юксакларга кўтарувчи ушбу икки мисра таърифдан ортиқ яна нима дейиш мумкин?! Демак, жаҳонга ёруғлик, инсоният онгига илм-

маърифат қуёшини бахш этувчи табаррук устоз, ўқитувчи мураббийларимиз ҳар қанча эъзозу эҳтиромга муносиб. Буюк мутафаккир Алишер Навоий бобомиз таъкидлаганларидек, улар берган илму ақл билан олам юзини обод, яхши ҳулқ билан олам элини шод қилувчи комил фарзандларимиз ҳам шу азиз устозларнинг заҳматли меҳнатлари тўғрисида инсонийлик мақомига эришганлар. Маънавият, маърифат, маданият ва санъат бобида миллатимиз обрў-эътиборини намойиш қилганлар.

Назаримда устоз фақат ўз сабоқлари, ўқиган чуқур илмий маърузалари билангина эмас, юриш, туриши, дунёқарши, яшаш тарзи, атрофидогиларга муомаласи билан

ҳам устоздир. Ёки ўзидан қолдирган бебаҳо мероси, асарлари, яратган ажойиб образлари билан ҳам устозлик мақомига муносибдир. Шу маънода мен мактабдаги меҳрибон ўқитувчиларим, институтдаги ва санъат сирларини жон куйдириб ўргатган санъатдаги устозларим, давлат ва жамоат ишларини муваффақият билан олиб боришимда маънан қўллаб-қувватлаган фидойиларимизни ҳам Устоз дея ардоқлагим келади. Ҳатто, баъзи ҳолларда ўз эътирози билан қандайдир хулосалар берадиган кишиларни ҳам ўқитувчи, ўргатувчи дея ҳурмат қиламан...

Айниқса, ўқитувчи-мураббийларнинг кадрини одамларга эслатиб қўйган панде-

мия шароитида ҳам бир ҳикмат кўргандек бўлди. Ахир, ота-оналар ҳар қандай хавотирларини жиловлаб, карантин қоидаларига қатъий амал қилиб фарзандларини мактабга, меҳрибон ўқитувчиларига ишониб юборишларининг ўзи ҳам бу бебаҳо, шарафли касб эгаларининг меҳнатлари нечоғлик улуг, жамият учун зарур эканлигини кўрсатмаётими?

Буни чуқур ҳис этган давлатимиз раҳбарининг ушбу заҳматли касб эгаларини мунтазам рағбатлантиришга ҳаракат қилаётгани, чиқишларида эҳтиром билан сўзлашлари мамлакатимизда ЎҚИТУВЧИ, УСТОЗ, МУРАББИЙ номи улуг, касби шарафли эканининг яна бир исботидир.

Давоми 2-саҳифада »

Донлар сузлайди...



Агарда ҳаётдан олмаса таълим, Унга таълим бера олмас ҳеч бир муаллим.

А.Навоий

Бирор бир нарсани бажаролмайман деб кўнгилга келтирдингизми, шу пайтдан бошлаб уни амалга ошириш гоят мушкул бўлиб қолади.

Бенедикт

Ҳеч нима қилмаган одамгина хатога йўл қўймайди, холбуки унинг асосий хатоси ҳам шу.

А.Н.Толстой



Bayramingiz bilan  
Сизга таъзим, азиз устозлар

29 сентябрь куни Фарғона вилоятининг Бешариқ тумани маданият марказида "1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни" муносабати билан "Сизга таъзим, азиз устозлар" номли маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Бешариқ туман Маданият бўлими ташаббуси билан ташкил этилган ушбу тадбирда туманда ижод қилаётган ёш хонандалар ва ҳудудий марказлардан ташриф буюрган тўғарак аъзолари ишти-

роқ этишди. Тадбирни туман маданият бўлими қошидаги Ҳаваскорлик халқ театри бош режиссёри И.Ваҳобов олиб борди. "Бешариқ тароналари" ашула ва рақс ансамбли хонандлари Н.Давронов ва Б.Абдужалиловлар томонидан ижро этилган кўшиқларни тадбирга ташриф буюрган меҳмонлар илиқ кутиб олишди. Шунингдек, Бешариқ туман маданият бўлими та-

сарруфидаги "Раққон" маданият марказининг "Бадий ўқиш" тўғараги ёш ўқувчиси А.Баҳодиржонов томонидан ўқилган, устозларни мадх этувчи ажойиб шеърлар барчага хуш кайфият улашди. Байрам муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар туманимиз миқёсида давом этмоқда.  
У.ХАЙДАРОВ,  
Бешариқ туман маданият бўлими бош мутахассиси

Давоми. Боши 1-саҳифада

# Президент ўқитувчи ва зиёлиларга мурожаат қилди



Яна бир эътиборли жиҳати, бу йилги табрик аввалгиларидан фарқ қилиб, мурожаат тарзида бўлмоқда. Президент тарихга назар солиб, IX-XII асрларда юртимиз ҳудудида биринчи, XV асрда иккинчи Ренессанс порлаганини таъкидлади.  
– Кўпчилик зиёлилар қаторида мен ҳам бир фикрни ҳамиша катта армон билан ўйлайман: мамлакатимизда учинчи Ренессансни XX асрда маърифатпарвар жаҳид боболаримиз амалга оширишлари мумкин эди. Улар "Илмдан бошқа нажот йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас", деган ҳадиси шарифни ҳаётий эътиқод деб билдилар, – дея таъкидлади Президент.  
Ўқитувчи ва мураббийлар байрами муносабати билан имзоланган Фармонга мувофиқ, халқимизнинг озодлиги ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида фидокорлик кўрсатиб, миллий таълим ва тарбия тизимини яратишга беқиёс ҳисса қўшган Абдулла Авлоний, Маҳмудхўжа Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхон "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирлангани маълум қилинди.  
Шавкат Мирзиёев Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш асосий мақсад қилиб белгиланганини таъкидлади.  
– Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак, – деди Президент. – Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Авваламбор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан сугоришимиз керак.  
Байрам тадбирида ўқитувчи ва мураббийлар, олимлар, парламент ва ҳукумат вакиллари иштирок этишди. Шунингдек, ҳудудлардаги соҳа фидойилари маросимни Қорақалпоғистон ва вилоятлардаги студиялардан кузатиб боришди.

Давоми. Боши 1-саҳифада

# Устозларга таъзим!!!

Шукрки, шундай эътибор, эътироф, эъзозу эҳтиромга муносиблар кўп ораимизда. Улар ҳаётимиз чироғи, жамиятимиз таянчидир. Куни кеча 1 октябрь – Ўқитувчи мураббийлар куни билан шарафли касб эгаларини онлайн тарзда табриклаган муҳтарам Президентимизнинг самимий сўзлари, маърифатпарвар боболаримиз А.Авлоний, М.Бехбудий ва Мунавварқори Абдурашидхон каби маърифатпарвар боболаримиз орзу қилган уйғониш, юксалиш даври – "Учинчи Ренессансни" бошлаб берадиган заковатли инсонлар сифатида ишонч билдирганлари фикримиз исботидир.  
Маданият вазирилик тизимида олий таълим муассасалари ва таълим-тарбия масканларида ҳам шундай лаёқатга эга ўқитувчи ва мураббийлар фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бугунги кунда 340 та таълим муассасарида 16 минг нафар ўқитувчи ва концертмейстерлар, маданият ва санъатимиз даргалари ёш авлодга таълим бериб, миллий маданиятимиз ва санъатимиз ривожини йўлида хизмат қилмоқдалар.  
Азизу муҳтарам устозлар, ўқитувчи ва мураббийларимиз! Касб байрамингиз муборак бўлсин!  
Эзгуликка йўғрилган хайрли саъй-ҳаракатларингиз самаралари, ўқувчи ва шогирдларингиз меҳри, камоли, ютуқлари ҳамиша қалбингизга шодлик, чехрангизга ёруғлик бахш этсин!  
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири  
Озодбек НАЗАРБЕКОВ

Тожикистон ва Ўзбекистон



# Бир дарахтнинг икки шохи...

Маълумки, ҳар қандай мушкулларнинг қилиги бирлик, аҳиллик ва дўстликдир. Давлатимиз раҳбари ҳам ўз вазифасига киришар экан, аввало, минтақада яқин кўшничлик, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатилган бошлаган эди. Ва бу борадаги илк қадамлардан бири Тожикистон Республикаси билан дўстона муносабатларни йўлга қўйиш бўлди. Мана, тўрт йилдирки, икки давлат раҳбарлари қурган "дўстлик кўприги" дан тожик ва ўзбек халқи эмин-эркин борди-келди қилмоқда...

Бундай хайрли ишнинг қадрини дунёда бўлаётган ўзаро келишмовчиликлар, хунрезликларни кўрганда янада теранроқ ҳис этади киши. Узоққа бормайлик, бизга бирмунча яқин ҳудудда жойлашган қардош Озарбайжон ва Арманистон чегараларида кечаётган ноҳуш воқеаларуруш оловини ёқувчиларга бўлган нафратимизни кучайтирганлиги рост.

Шукрки, биз бундай разолатдан холимиз. Президентимиз таъкидлаганларидек, Янгиланаётган Ўзбекистон вайронкорлик эмас, тинчлик ва бунёдкорлик йўлидан бормоқда. Минтақада тинчлик ҳукми суриши учун бўлаётган саъй-ҳаракатлардан бири ўзаро дўстлик, ҳамкорликнинг йўлга қўйилаётганидир курилади.

Ўзбекистон Маданият вазирилик ташаббуси билан ташкиллаштирилган Тожикистон сафари азал-азалдан дўст ва қардош бўлиб яшаган икки халқ ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада муस्ताҳкамлаш мақсадида йўналтирилган. Таниқли давлат арбоблари, илм-фан, адабиёт ва санъат, маданият фидойиларидан иборат делегация аъзолари Маданият вазириликдан автобуста жойлашиб, Бекободдаги Фотиҳобод-Ойбек божхона постига етиб келишганида уларни Тожикистоннинг давлат ва жамоат фаоллари кутиб туришган эди. Пандемия шароитида мос ҳолда никоблар орқали ҳам самимий учрашув лаҳзалари меҳмон мезбонларга хуш кайфият улашди.

Ўзбекистонлик меҳмонлар: Ўзбекистон бадий академияси раиси Акмал Нуриддинов, Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори Камол Ўринбоев, Муқимий номидаги миллий муҳикали драма театри директори Мирза Азизов, "Ўзбеккино" миллий агентлиги бош директорининг ўринбосари Шухрат Ризаев, Ўзбекистон давлат хореография академияси ректори Шухрат Тохтасинов ва бошқа бир гуруҳ зиёлилар дастлаб Сўғд вилоятининг тарихий музейи, сўнгра Ўрта аср адабий муҳитининг машҳур намоюдаси Камол Хўжаидий музейларига ташриф буюришди.

Тарихий илдизлари бир, икки тилда сўзлашса ҳам муқаддас дини, урф-одат, анъаналари, маданият ва санъати ўхшаш тожик ва ўзбек халқининг муштарак орзу-ўйлари акс этган масканлар, осори-атиқалар, экспонатларни делегация аъзолари катта қизиқиш билан томоша қилишди. Аиниқса, тожик



халқининг алломаларидан бири Камол Хўжаидий музейидаги қимматли маълумотлар барчаннинг диққат-эътиборини жалб қилди. Халқлар дўстлигининг яна бир тарғиботчиси бўлган Камол Хўжаидий ёшлик чоғларида Самарқанд ва Тошкентда ўқиган, аждодларимиз илм зиёсидан баҳраманд бўлган эди. Унинг асарлари, қўлёзмаларидан намуналар Ўзбекистон музейлари ва кутубхоналарида ҳам сақланмоқда.

Маданият вазири бошчилигидаги Ўзбекистон делегациясининг навбатдаги ташрифи Тожикистон Миллий кутубхонасига бўлди. Салкам 90 йилдан буён фаолият юритаётган маърифат масканининг китоб фонди 3 млн. 300 дан зиёд бўлиб, бир йўла 400 китобхонга хизмат кўрсатади. Кутубхонадаги ноёб китоблар орасида Рудакий, Фирдавсий, Ибн Сино, Саъдий каби машҳур алломаларнинг 2200 дан зиёд қўлёзмалари сақланар экан. Унинг қошидаги Эрон, АКШ, Германия, Корея Халқ Республикаси маданият марказлари кутубхона билан яқин ҳамкорликда фаолият юритади. Бу файзли масканда Ўзбекистон Республикаси Маданият вазири Озодбек Назарбеков ва Тожикистон Республикаси Маданият вазири Зулфия Давлатзодиннинг расмий учрашуви, шунингдек, ҳар иккала томон зиёлилари, илм-фан, адабиёт, санъат ва маданият соҳалари вакиллари иштирокида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Маданият вазири Озодбек Назарбеков икки мамлакат маданий мерос объектлари, музейлари ва кутубхоналари, уларда сақланаётган қимматбаҳо маълумотлар, ноёб китоблар нусхалари билан алмашиш, ушбу давлатлар ўртасида маданий гуманитар алоқалар борасидаги битим

ниҳоясига етганлиги туфайли янги битим имзоланганлигини билдирди.

Шунингдек, ўзбек ва тожик зиёлилари иштирокида ўтган давра суҳбатида ҳам ҳамкорлик, дўстлик алоқаларини янада муस्ताҳкамлаш мақсадидаги фикр-мулоҳазалар билдирилди. Жумладан, сўнги йилларда икки давлат раҳбарларининг дўстона муносабатларни қайта тиклаб, 30 йиллик танаффусдан сўнг ўтказилган Ўзбекистон ва Тожикистон маданияти кунлари икки халқни янада яқинлаштирганини айтиб, бундай борди-келдилар давом этишини билдиришди. Ўз навбатида О.Назарбеков пандемия шароити якунига етгач, тез орада Ўзбекистонда Тожик маданияти кунлари ўтказилишини таъкидлади.

Икки кун давомида ўтган кўнгилли учрашув ҳар икки томон учун ҳам фойдали тақлиф ва келишувларга бой, сермахсул ўтди. Аввало, Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари маданият вазириликлари ҳомийлигида Маданий кенгаш ташкил этиш ва унга илмий муассасалар ўртасидаги ҳамкорлик мониторингини олиб бориш, тегишли ҳисоботлар тайёрлаш ва Қўшма чора-тадбирлар режаси (Йўл харитаси) лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, Тожикистон тасвирий санъат ва дизайн давлат институтидаги учрашувда Тожикистон рассомлар уюшмаси ва Ўзбекистон бадий академияси ўртасида Англашув Меморандуми тузиш, Ўзбекистон ва Тожикистон давлат консерваториялари ўртасида имзоланган Битимни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси" ишлаб чиқишга келишиб олинди. Шунга ўхшаш яна бир Меморандум Ўзбекистон Фанлар Академияси Навоий филиали ва Тожикистон Республикаси Фанлар Академияси геология, зилзилага чидамли курилиш ва сейсмология институти ўртасида имзоланди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, икки халқ ўртасидаги турли соҳа бўйича олиб бориладиган ижодий ҳамкорлик, яқин кўшничлик, дўстона муносабатларини янада муस्ताҳкамлаш мақсадида ташкил этилган сафар сермахсул ўтди, самимий, кўнгилли суҳбат ва учрашувларга бой бўлди. Тожикистон ва Ўзбекистон халқининг мақсад- мудаосини ифодалаган Президент Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбек ва тожик халқлари бир дарахтнинг икки шохи, бир дарёнинг икки irmoғига ўхшайди. Бизнинг муқаддас динимиз, еримиз ва сувимиз бир. Қувончу ташвишларимиз, тақдиримиз муштарак" деган сўзлари бот-бот янграб турди.  
Сайёра РИХСИБЕВА



» Сизга таъзим

**Эзгулик тимсоллари**



Ўқитувчи ёниб турган шамга ўхшайди. Бошқаларнинг йўлини ёри-тиш учун ўзи шамдек эриб, ўчиб бораверади.  
Ушбу жумлани ҳар гал эшитганимда, бутун борлиги ила эзгуликдан сабоқ берган, ҳамisha тўғри йўл кўрсатган меҳрибон муаллимларим, ҳаёт йўлларимни ёритган камтаргина устозларим сиймоси кўз олдимда намоён бўлаверади. Биз учун ибрат намунаси, эзгулик тимсоли бўлган азиз ва муўтабар зотлар шаънига ҳар қанча эҳтиром кўрсатмайлик барибир оз.  
Сизларнинг дуоларингиз, берган тарбиянгиз ва меҳнатингизсиз бугун биз юксакликларни забт этолмасдик. Буюк Алишер Навоий бобомиз айтганларидек, дунёнинг бор бойлик ва ҳазинаси билан ҳам сиз-

ларнинг олижаноб меҳнатингиз ҳақини адо этиб бўлмайди.

Барча устозларимга ҳеч қачон узиб бўлмайдиган қарздорлик ҳисси билан таъзим қиламан.

Бу ёруғ оламни тарқ этган устозларим, аввало, биринчи устозим Отам Шўхрат Абдувосиевич, Карим Жамолович, Ўктам Исоевичларни Аллоҳ раҳматига олиб, жойларини жаннатдан қилсин.

Байрамингиз муборақ бўлсин, азиз устозлар!

Жамол НОСИРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг биринчи ўринбосари

» Муносабат

## Муҳташам минбардан янграган тилим

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ўзбек тилида маъруза қилиши ҳақидаги хабарни эшитиб оқ бу кутлуғ кунни интиқлик билан кутдик.



“Тил – бирлигимиз ва борлигимиз рамзи”, дея бежиз айтилмайди. Ушбу нутқ дунёнинг турли давлатларида яшаётган ўзбекларни, Ўзбекистонга алоқадор инсонларни маънан янада бирлаштирди десак, муболага бўлмайди. Чунки мазкур тарихий ҳодисани нафақат юртдошларимиз, балки хориздаги хайрихоҳ дўстларимиз, тилдошу кондошларимиз ҳам беҳад қувонч билан кутди. Хусусан, Туркиянинг нуфузли “Жумҳурият” газетасининг 21 сентябрь кунги сонидида “Ўзбек тили БМТда” сарлавҳали мақола чоп этилди. Хабарда “Ўзбекистон Президентини Ш.Мирзиёев БМТнинг юксак минбаридан Навоий тилида дунё ҳамжамиятини ҳамкорлик ва бирдамликка даъват қилади” дейилади. Айниқса, ижтимоий тармоқларда ҳам ватандошларимиз ўз хурсандчилигини мунтазам баён қилиб боришди. Улардаги “Мустақил давлат фуқароси эканлигимни чинакам ҳис қилдим”, “Бир умр шу кунларни кутган эдик, беадад шукр”, “Бу кунларни Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Муҳаммад Юсуфлар кўриши керак эди”, “Бугун миллатимиз учун буюқ тарихий кун, бунинг учун, аввало, Яратганга беҳисоб шукрлар бўлсин. Юртимиз ва юртбошимизни Тангри ёрлақасин!”, “Президентимиз она тилимиз қадрини кўкларга кўтарди, Аллоҳ уларни сийласин!” каби шукроналик туйғуси жўшиб турган жумлаларни ўқиб қўнглингиз хузурга тўлади. Ҳақиқатан, бу нутқ чуқур ўйланганлиги, теран мазмунли, амалий аҳамияти, янги гояларга, ташаббусларга бойлиги ва гоят долзарб муаммоларни ўзида ифода этганлиги билан тарихий нутқ сифатида эътироф ва эҳтиромга муносиб. Шунингдек, мустақил Ўзбекистон тарихида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг муаззам минбаридан она тилимизда нутқ сўзлаган илк Президент сифатида ҳам халқимиз қалбидан жой олиши шубҳасиз.

Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги ривожини таъминлаш борасида ҳам самарали ишлар амалга оширилмоқда. Президентимизнинг ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганининг ўттиз йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқда шундай жумла бор: “Дунё-

даги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлгимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюқ қадриятдир.” Бу сўзлар иботини юртбошимизнинг нутқи она тилимизда янграган пайтда ҳам биримиз ич-ичимиздан ҳис қилиб турдик. Ўтган қисқа вақт мобайнида Президент фармони билан ўзбек тилининг мавқеини тубдан оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгила-ниб, улар ижроси бўйича мунтазам ишлар олиб борилмоқда. Буларнинг бари халқимиз ардоқлаган қадриятларга давлатимиз томонидан устувор сиебат даражасидаги эътибор ифодасидир.  
Шуни мамнуният билан айтишимиз мумкинки, юртбошимизнинг юксак минбардан сўзлаган нутқи халқро ҳамжамият экспертлари диққат марказида бўлди. Улар Президентимиз илгари сурган ташаббуслар нафақат мамлакат, балки минтақа ва дунё ҳамжамияти учун ҳам долзарб масалалар эканлигини алоҳида таъкидлашди.  
Муҳтарам Президентимиз ўз нутқда қуйидаги ташаббусларни илгари сурди: Пандемиялар даврида инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган глобал тизимни биргалликда яратиш учун давлатларнинг ихтиёрий мажбуриятлари тўғрисидаги халқаро кодексни ишлаб чиқиш;  
Марказий Осиё давлатларининг халқаро транспорт йўлақларига интеграциясини таъминлашни жадаллаштириш учун БМТ шафелидаги транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш минтақавий марказини очиш;  
Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг глобал антитеррор стратегиясини истиқболларига бағишланган халқаро конференцияни ўтказиш;  
2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форумни ўтказиш;  
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ҳузурида афгон халқининг дарду ташвишини тинглайдиган, доимий фаолият кўрсатадиган кўмата ташкил этиш;  
Оролбўйи минтақасининг экологик инновация ва технологиялар ҳудуди, деб эълон қилиш ҳақида Бирлашган

» Халқаро форум



## Президентимиз ташаббуси

### ЮНЕСКО томонидан қўллаб-қувватланди

БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ихтисослашган ташкилоти ЮНЕСКО дунёда тинчликни ўрнатиш, қашшоқликни йўқ қилиш, барқарор ривожланишни таъминлаш, таълим орқали маданиятлараро мулоқот тузиш, фан соҳаларини ривожлантириш, халқаро маданий ва маъlumot алмашинувиға ёрдамлашиш каби соҳаларда фаолият юритади. Ўзбекистон унга 1993 йил 26 октябрда аъзо бўлган.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз ушбу ташкилот билан ҳамкорликка катта аҳамият бериб келмоқда. Ўтган давр мобайнида, Ўзбекистон билан ЮНЕСКО ўртасидаги алоқалар, айниқса, маданият соҳасида жадал ривожланди. Хусусан, юртимизнинг бой маданий меросини асраб-авайлашда ушбу ташкилот билан яқин ҳамкорлик ўрнатилгани таҳсинга сазовордир. ЮНЕСКОнинг мерос билан боғлиқ қуйидаги 3 та халқаро рўйхати мавжуд бўлиб, улар ташкилот томонидан доимий янгилаб борилди.

Биринчи – ЮНЕСКОнинг Жаҳон маданий мероси рўйхати. Мазкур рўйхатга Ўзбекистондан 4 меъморий мажмуа киритилган – Хивадаги “Ичан-қалъа”, Бухоро ва Шаҳрисабзнинг тарихий марказлари ҳамда Самарқанд шахри.

Иккинчи – ЮНЕСКОнинг Инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхати. Ушбу рўйхатга юртимиз номоддий маданий меросининг 8 объекти киритилган. Булар: Бойсун маданий мероси, “Шашмақом” мумтоз музикаси, Катта ашула, Аския санъати, Наврўз, Палов маданияти ва анъаналари, Марғилон хунармандчиликини ривожлантириш маркази; адрас ва атлас тўқиш, Хоразм рақси – Лазги.



Учинчи – ЮНЕСКОнинг “Жаҳон хотираси” дастури халқаро рўйхати. Унга ноёб тарихий аҳамиятга эга ҳужжатлар регистрдан иборат Усмон Курьонин, ЎзРФА Шарқшунослик институтини қўлэмалар коллекцияси ва Хива хонлиги канцелярияси киритилган. Шу билан бирга, юртимизда ўзбек халқининг бой тарихий ўтмишига оид қатор моддий ва номоддий маданий мерос объектилари жойлашганки, улар ҳам ЮНЕСКОнинг мазкур рўйхатларига киритилишга муносиб.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 75-юбилей сессиясидаги чиқишида 2021 йилда ЮНЕСКО билан ҳамкорликда қадимий Хива шаҳрида “Марказий Осиё жаҳон цивилизациялари чорраҳасида” мавзусида халқаро форумни ўтказиш ташаббусини илгари сурди ва бунга Ўзбекистон тийёрлигини маълум қилди. Ушбу ташаббусга нисбатан ташкилот Бош директори Одри Азуле ўз фикрини билдирди ва ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва келажакига баҳо берди.

“ЮНЕСКО ўз ваколати доирасидаги йирик халқаро тадбирларни ўтказишда ҳамisha Ўзбекистоннинг яқин ҳамкори бўлиб келган. Сўнгги йилларда “Шарқ тараққили”, “Бахшичилик”, “Мақом” каби бир қанча йирик маданий фестиваллар ЮНЕСКО ҳамкорлиги ва шафелида ўтказилди”, дейди О.Азуле хоним. Режалаштирилган бу форум ҳам Марказий Осиёнинг минтақа ва бутун дунё тарихий тараққийнинг шаклланишида муҳим ўрин тутган бой маданияти ва қўхна тарихий меросига саёҳат қилишга яна бир яқин имконият бўлади. Шунингдек, “Бу форум учун танланган жой ҳам жуда рамзий бир маънога эга: умумжаҳон тарихий мероси ҳисобланган қўхна Хива шаҳрининг гўзаллиги ва улғуворлиги минг йиллар мобайнида нафақат олимлар, усталар ва рассомларни жалб қилди, балки бир қанча империялар ва маданият марказларининг бешиги бўлиб ҳам хизмат қилди. Бу шаҳар бугунги кунда ҳам маданият ва маърифатнинг инсонларни бирлаштириш оладиган қудрати тимсолидир. Биз 2021 йилда бу муҳим тадбирни кенг қўламада нишонлаш имкониятини интиқлик билан кутиб қоламиз” дея Марказий Осиё бўйича халқаро маданий форум ўтказиш ташаббусини мамнуният билан қабул қилишини ва бу лойиҳанинг амалга оширишда кўмак беришга тийёр эканлигини билдирди.

Маъмурахон АЛИШЕРХЎЖАЕВА,

Тошкент давлат шарқшунослик университети магистри  
Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси соҳибаси

Маъруфжон ЮЛДАШЕВ,  
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирининг давлат тили бўйича маслаҳатчиси, филология фанлари доктори

Онлайн конференция

**Маърифатимиз фидойилари**



Халқимизнинг маориф соҳасидаги ютуқлари бешигини тебратган “Устоди аввал”ларимизнинг неча-нечалари бу йўлда жонини ҳам аямаган, ҳаётини, умрини нисор этишган. Ўзбек миллати ўғлонлари илми, билимли бўлиб, дунёвий илмларни эгаллашлари, бунинг учун тил ўрганишларини, муносиб таълим-тарбия олишларини ишташган. Улардан бири маърифатпарвар аллома, адиб, драматург ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Бехбудий эди.

Унинг доно фикрлари, ўғитлари 100 йилдан кейин

ҳам Ўзбекистон келажаги бўлган ёшларимиз учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Биргина “Падаркуш” асари билан илмсизликнинг юзига ойна тутган алломанинг 145 йиллиги она юрти Самарқанда кенг нишонланди. Кун кеча Самарқанд вилояти мусиқали драма театри қошида ташкил этилган адиб уй-музейининг очилиши муносабати билан ўтказилган онлайн конференция унда иштирок этган барча олимлар, талабаю мухлисларда катта таассурот қолдиргани шубҳасиз...

Айём муборак!

**Ҳар бир устоз буюк шахсдир**

Ўсмир йигит ўқишга кирса ёки бирор ютуққа эришса, энг аввало, ота-она суюнади. Шундай фарзанднинг ота-онаси эканидан фахрланишади.

Бироқ дунёда яна шундай меҳрибон инсонлар борки, улар ҳам ўқувчи ва шогирдлари ютуқларидан чексиз қувончга тўлишади. Уларнинг бу йўлдаги меҳнатлари ҳам ота-онаникидан кам эмас: меҳрда ҳам, тарбияда ҳам бир поғонада туришади. Ҳа, устозлар ана шундай инсонлардир. Шунинг учун ҳам уларни иккинчи ота-онага қиёслаймиз.

Ҳеч эътибор берганмисиз, нима учун айнан ота-онага? Нега ака-опа ёки амма-тоғага эмас?

Бунинг жавоби оддий. Ота-она фарзандни дунёга келтиргач, уни едириб-ичиради, устини бут қилади, тарбия бериб, соғсаломат улғайтиради. Ўқитувчи эса уни фикрий камолотга етказиш учун тер тўқади.

Тан соғлигини асрашни бугунги тиббиёт ҳам эплаши мумкин. Бедаво кўринган дардларга ҳам кун келиб даво топилади, аммо тафаккур, онг табиби фақат устоз ва ўқитувчилар бўлиб қолаверади. Улар бўлмаса, таърифлаб бўлмас бўшлиқ юзага келади. Демак, улар ўрнини ҳеч ким, ҳеч нарса босолмайди.

Устозларнинг саъй-ҳаракати ҳар тарафлама баркамол авлодни тарбиялашда муҳим асосдир. Агар давлат бир дарахт бўлса, унинг қандай ҳосил бериши энг биринчи ўринга чиқади. Мева-си тотли ва мўл бўлган ўсимлик узок умр кўради.

Ўқитувчилар асаларига ўхшайди. Бу жонзод шундай кўп меҳнат қиладики, ҳар бир хатти-ҳаракати фойдали ҳисобланади. У асал йиғиш, ўз оиласини парваришлаш учун муносиб ҳисса кўшишга интилади, шунинг учун эрта-ю кеч тиним билмайди. Энг эътиборлиси, улар асал йиғиш жараёнида гулларни чанглантиради. Бу иши дарахт (давлат)нинг кейинги ривожини учун зарурий турткидир. Асалари чанглантирган дарахт мева тугади, ўз ўрнини топади. Мева тугмайдиган, асаларини ўзига йўлатмайдиган ўсимлик эса ўтин бўлишга маҳкум.

Устоз ва мураббийлар, ўқитувчилар ҳам жамиятнинг ана шундай энг керакли бўғинидир.



Дунёда қанчадан-қанча олимлар, донишмандлар, кашфиётчилар ўтган. Улар инсониятнинг бугунги кунги ривожига муносиб ҳисса қўшишгани рост. Шунини ҳам айтиш керакки, уларнинг ҳеч бири ўз-ўзидан шу даражага эришган эмас. Ҳар бир кўтарилиш, ҳар бир ютуқ ва яратишлар, ҳатто коинотга чиқишлар ҳам устозларнинг меҳнати, йиллар давомида қилган саъй-ҳаракатлари натижасидир. Тўғри, шогирдлар дунёга танилди, исмлар тарих зарварақларида қолди, сайёраларга номлар қўйилди... Бугун уларнинг сони шунчалик кўпки, санаб адогига етолмайсан...

“Устозлари-чи?” – дейсизми? Йўқ, улар шогирдларчалик машҳур бўлишмади. Балки, тарихда номлари қолишини ҳам хоҳлашмагандир. Улар учун шогирдларининг ўзларидан ўтиб кетиши кифоя эди. Мана шунинг ўзи ютуқлар ичра энг аъло-си бўлган.

Улар ана шундай ҳокисор инсонлардир. Ана шундай беминнат нарвонлардир. Устозлар шогирдини дунё таниши учун ўз умрини бахшида қилган қурбонлардир.

Шундай экан, устозларни асрайлик! Қадрига етайлик. Керак бўлса, бошимизда кўтариб юрайлик. Юқори ўринларга етишганимизда ҳам улар билан фахрланайлик, йўқлаб борайлик, зеро, устозлар бизни одамзоддан одамга айлантирган буюклардир. Зора шу билан ўз қарзимизни узолсак...

Байрамингиз муборак бўлсин, азиз устозлар!

Оламгир АБДИЕВ

Қарор ва ижро



**“Лазги” – дунё аҳлини Ўзбекистонга чорлайди**

“Хоразм лазги рақси” ўзига хос ижро услуби ва жозибаси билан маълуму машҳур.

У дунёдаги саноқли рақслар қаторида ЮНЕСКО томонидан инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилгани фикримиз тасдиғидир.

Маълумотларга кўра, бугунга кунга қадар ана шундай бетакрор 6 та рақс ЮНЕСКОнинг ушбу рўйхатига киритилган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 28 сентябрь куни «Лазги» халқаро рақс фестивалини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги қарорни имзолади. Унда ўзбек рақси санъати тарихида алоҳида ўрин эгаллаган «Хоразм лазги рақси»нинг асрий анъаналарини сақлаш, ривожлантириш мақсадида «Лазги» халқаро рақс фестивалини муносиб ўтказиш бўйича устувор вазифалар белгилаб берилган.

– Президентимизнинг халқаро лазги фестивалини ўтказишга доир қарори эълон қилиниши бизни гоят қувонтирди, – дейди Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди раиси Амиркул Каримов. – Ушбу рақснинг ЮНЕСКО рўйхатига киритилиши номинацияни тақдим этган мамлакатдан маълум чоралар кўришни тақозо этади. Шу маънода, аввалроқ Лазги академиясининг ташкил этилиши ҳақидаги Президентимиз ташаббуси гоят ўринли бўлди.

Нега деганда, мана Ҳиндистонни олайлик. Бу мамлакатга ҳинд рақсларини ўрганиш учун дунёнинг турли давлатларидан рақс ихлосмандлари келишади. Рақсларимиз ниҳоятда беазир, жозибаси ҳинд рақсларидан

ўтса-ўтадики, асло қолишмайди. Биз шу вақтгача рақсларимиз тарғиботи йўлида Хоразмда «Рақс сеҳри» фестивалини ўтказиб келар эдик. Эндиликда халқаро фестивал ўтказилиши миллий рақс санъатимиз дунё халқларининг нигоҳига тушиб, жаҳон маданиятини бойитишга хизмат қилади.

Халқаро «Олтин мерос» хайрия жамоат фонди ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 2016 йилдан «Хоразм рақси – лазги» номинациясини ЮНЕСКО номоддий мероси репрезентатив рўйхатига киритиш юзасидан фаолият бошлаганди. Бунда лазги тарихи ўрганилди, кенг тарғиб этилди. Санъатшунослар томонидан рисола, амалий қўлланма ва алоҳида китоблар ёзилди.

Натижада 2017 йил март ойида ЮНЕСКО ишлари бўйича Миллий комиссия ёрдамида ташкилот бош қароргоҳига тақдим этилди. У ерда турли маъмурий, ташкилий чоралар кўрилиб, 2019 йил 12 декабрь куни ЮНЕСКОнинг Богота шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида номинация бир овоздан репрезентатив рўйхатга кириши ҳақида қарор қабул қилинди.

– Кўп асрлик бой ва бетакрор маданиятимизнинг ажралмас қисми бўлган миллий рақс санъати халқимиз маънавияти, бадий-эсте-

тик қарашларини юксалтириш, ёш авлодни миллий қадрият ва анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бормоқда, – дейди «Умрбоқий мерос» Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази раҳбари Лутфия Мирзаева.

– Миллий рақсларнинг жозибаси дилларга хушнудлик, кўтаринки кайфият олиб қиради. Таралаётган асл истеъдод сохибларининг куйлари садоларига сеҳрланиб қолишимиз ҳам бор гап. Миллий рақсларимиз бизнинг маънавий меросимиз ҳисобланади. Биз улардан маънавий озуқа оламиз. Ҳар бир инсон ўз халқининг миллий мусиқаси ва кўшиқларидан руҳий қувват олиб яшайди. Ўзбек деган жуда катта қадимий халқнинг санъати, адабиёти ҳам буюк.

Энг гўзал рақс кишига чинакаммига завқ берадиган, миллийликни тараннум этадиган рақсдир. Шундай рақслардан бири – «Хоразм лазги»-сидир. «Лазги» рақсининг 2019 йилда ЮНЕСКОнинг инсоният номоддий маданий мероси репрезентатив рўйхатига киритилиши унинг ўзбек халқи бой маданий мероси эканлигидан далолатдир.

«Умрбоқий мерос» Ўзбекистон маданияти ва санъати тарғибот маркази ушбу қарорни қўллаб-қувватлайди ва келгусида «Лазги» рақси, унинг бетакрор ижрочилари билан боғлиқ фаолиятни кенг жамоатчилик ўртасида тарғиб этиш ишларини кучайтиради.

Дилобар МАМАТОВА, ЎЗА



» Байрамнинг билан!

**Сизга таъзим, устозлар!**



Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтида 1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан “Сизга таъзим, устозлар!” мавзусида онлайн байрам тадбири бўлиб ўтди. ZOOM дастури орқали ташкил этилган дастурда институт профессор-ўқитувчилари ва талаба-ёшлари қатнашди. Бугунги кунда мазкур олий ўқув юртида 130 дан ортиқ профессор-ўқитувчи фаолият олиб борапти. Жорий йилда уларнинг 7 нафари мустақиллик байрами арафасида ҳукуратимиз томонидан юксак унвон ҳамда мукофотлар билан тақдирланишди. Педагоглар меҳнати моддий ва маънавий

рағбатлантирилиши натижасида таълим тизими босқичма-босқич такомиллашмоқда. Байрам муносабати билан институтда фидокорона меҳнат қилиб келаятган ўқитувчилар яна бир бор улугланди. Ўз касбининг фидойиси бўлган инсонларнинг меҳнати ўз самарасини бериб, бугунги кунда мазкур институт билан дунёнинг 24 та турдош олий таълим муассасаси ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилган. Тадбир доирасида Ўқув театр биносидан институт жамоаси томонидан тайёрланган ўқитувчи-мураббийларни шарафловчи кенгайтирилган байрам дастури намойиш этилди.

» 1 октябрь – ўқитувчи ва мураббийлар куни

# Муסיқа санъати қалбимни ром этган

Меҳрибон устоз, камтарин инсон... Ангренлик муסיқа фани ўқитувчиси Нозимжон Раҳматовни билганлар уни шундай таърифлашади. Албатта, бундай шарафга эришишнинг ўзи бўлмайти.

Муסיқани, хусусан, доира садосини болаликдан жон қулоғи билан тинглаб, унга мафтун бўлиб қолган мурғак қалбда ушбу чолғуга нисбатан ўзгача меҳр уйғонган, бундан ота-онаси ҳам мамнун эдилар. Зеро, оддий дехқон Абдусаттор ота Раҳматов Иккинчи жаҳон урушининг жангу жадалларида миллий муסיқамизни доимо қўмсаб юрганини, тўпларнинг овози эмас, шўхчан муסיқаларни эшитсам қани эди, дея армон қилганларини кўп бор сўзлаб берган. У доим одамларга яхшилиқ улашувчи муסיқалар янграб туришини астойдил тилаб юрган. Нозимжоннинг иштиёқини рағбатлантирган ота ўғлига бежиримгина доирани совға қилган, шундан буён бу чолғу унинг кадрдонига айланган эди.

каммал ўргангани. Энди у бу санъатни шогирдларига ўргатишни дилга тугади. Мана, 45 йилдирки, Нозимжон Раҳматов ўқувчилар орасида. Устозларидан ўрганганларини ўқувчиларига ўргатиб, улар меҳрини қозониб келмоқда. Ангрендаги 10-болалар муסיқа ва санъат мактабининг “Халқ чолғулари ижрочилиги” бўлимида фаолият олиб бораётган камтарин ўқитувчи яратган қўлланмалар ҳам мутахассислар томонидан эътироф этилган. – Ўқитувчилик касби узлуксиз ижодий жараён бўлиб, чуқур ва кенг кўламли билимга эга бўлишни талаб этади, – дейди Нозимжон Раҳматов. – Шу билан бирга педагогик, яъни дидактик салоҳиятли, ўқитишнинг замонавий услубларини эгаллаган кенг дунёқарашга, адабиёт ва санъатнинг бошқа турлари ҳақида ҳам маълумотга эга бўлиши ва уни ривожлантира олиши зарур...



Ҳақиқатан ҳам, ўз касбининг фидойиси, билимдони сифатида



(2016) нашр этилди ва ҳозирги кунда ушбу китобдан таълим муассасаларининг ўқувчилари ҳамда ўқитувчилари фойдаланиб келишмоқда. Таъкидланганидек, доира устаси 2016 – 2020 йиллар оралиғида ўнлаб илмий мақолалар билан халқаро ва республика миқёсидаги анжуман, семинарларда иштирок этиб келмоқда. Сўнгги “Муסיқий таълимда раҳбар кадрлар ва ўқитувчиларнинг маъсулиятлари” мавзусидаги мақолалари Қори Ниёзий номидаги педагогика илмий текшириш институтининг академиклар, профессорлардан ташкил топган ҳайъат аъзолари томонидан муносиб баҳолалиб, илмий мақолалар тўпламига киритилди.

меҳнатлари эътироф этилиб, 1990 йил – “Ёшлар иттифоқи” мукофотининг совриндори, 1992 йил – Ўзбекистон халқ маъорифи аълочиси, 1994 йилдан Олий тоифали ўқитувчи даражасига эришди. Лекин, унинг эътироф этишича, сўнгги тўрт йил жуда сермахсул йил бўлди.

Биргина доира сози билан ўзбек санъати орқали жаҳоннинг ўнлаб давлатларини кезиб келган, юзлаб иқтидорли шогирдлар устози, бастакорлик бобида ўнлаб қўшиқлар муаллифи, Ўзбекистон доирачилар жамиятининг аъзоси, Ангрен шаҳар маданият бўлими қошидаги “Ҳаёт” болалар намунавий рақс жамоаси ҳамда “Чотқол” ашула ва рақс ансамблининг мохир созандаси Нозимжон Раҳматов янги авлод ўқув адабиётларини яратишда ҳам самарали ижод қилиб, ижобий натижаларга эришди. Унинг муаллифлигида “Доира” ўқув қўлланмаси

2019 йил – “Золотой Феникс” Халқаро танловининг ғолиби бўлган Нозимжон Раҳматов ва унинг шогирдлари Ўзбекистон телерадиокомпанияси томонидан эфирга узатилган “Чироғи ёниқ уй”, “Келажак пойдевори”, “Наврўз шукуҳи”, “Тошкент вақти” кўрсатувлари орқали эътироф этилди. Ҳа, ижоди билан эзгуликни тараннум этаётган, ўқувчилари қалбда миллий муסיқа маданиятига меҳр уйғотиб, уларни эзгуликка чорлаётган устоз борки, эл ардоғи, шогирдлар эҳтиромига сазовордир. Унинг бу йўлдаги хайрли саъй-ҳаракатлари бардавом бўлиши, ҳали яна кўплаб шогирдлар етиштириши шубҳасиз. **С.ЭШМАТОВА**



» Шарқ маёқлари

# Хива – миноралар шаҳри

Шарқ шаҳарларини минораларсиз тасаввур этиб бўлмайти. Миноралар шарқона усулда қурилган нилий гумбазли обидаларни янада улғувор, ҳашаматли кўрсатадиган архитектура ёдгорликлари ҳамдир. Хивадаги ҳар бир масжид ва мадраса яқинида минора бўлган. Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, Хивада 80 га яқин минора мавжуд эди. Ҳозиргача эса атиги 12 таси сақланиб қолган. Булар: Жума масжид минораси, Кўк минор, Исломуҳўжа, Сайидниёз Шолиқорбой, Мамат махрам, Полвон қори, Шоҳимардон, Абдол бобо, Тўрт шоввоз, Каптархона, Тўрамурод

тўра, Бикажон бика минораларидир. Улар турли даврларда ҳар хил услуб ва кўринишда бунёд этилган. Баландиклари ҳам турлича. Энг қадимийси Жоме масжиди минораси бўлиб, X асрларда қурилган ва 1788 йилда қайта таъмирланган. Миноралар пишган ғиштдан терилиб, кошинли плиткалар билан безатилган. Тепасига чиқиш учун айланма зинапоялари бўлиб, юқори қисмида шаҳарни кузатиш учун хонача бор. Масжид ёнида минораси бўлиб, унга чиққан муаззин кунига беш маҳал азон айтиб, халқни намозга чақирган. Жума масжиди минораси ҳақида шундай бир ривоят келтири-

лади, аслида унинг ўрнида катта бир минора бўлган ва даврлар ўтиши билан эскириб, кулаб тушган экан. Масжидга янги тайинланган имом ҳар кунлик овқатга кетадиган харажат пулидан бир қисмини чегириб, тўплай бошлабди. Орадан бироз вақт ўтгач, йиғилган пулларни олиб, масжиднинг кулаб тушган минораси ўрнида янгисини қуришни режалаштирибди. У бош устани чақириб, унга бир халтачадаги тилани берган ва мана шу маблағ минорани битказишга етиши керак деган шартни қўйган: минора тўлиқ битсин, маблағ ҳам ортиб қолмасин. Уста ишни битказибди, минора ҳозирги кўринишга

келибди. Имом келиб қуришни қабул қилиб олибди ва усталарга сарполар кийгизилибди. Охирида имом минорага қараб шундай деган экан: – “Қаранг, агар берсак, нафсимиз шуни ҳам еб юборар эди”. Ушбу ривоятни хоразмлик отахон шоир Фозил Зоҳид шундай таърифлаган эди: *Ҳар кунги ризқидан йиғиб бир дирҳам, Бор экан минора қурдирган одам. Баланд минорага қараб дебди у, Эй нафс, ютворардинг берсам шуни ҳам.* Аслида, минора араб тилида маёқ, машъала маъносини билди-

ради. Ундан мусулмонларни азон айтиб, намозга чақирилади. Қарияларнинг айтишларича, баландлиги 42 метр бўлган бу минорани Хоразм хонининг вазири – Меҳтар қурдирган эмиш. У хонга минорани ҳалол пулидан қурдирганини, хазинадан унга битта ҳам танга олмаганини айтади. Агарда унга ҳаром пул қўшилган бўлса, у олдин менинг устимга қуласин дейди ва қабрини ҳам минора яқинига қурдиради. Ҳақиқатан ҳам, Жума масжидининг шарқий томонида Абдурахмон меҳтар қабри жойлашган. **Зайнаб АБДУЛЛАЕВА, Халқ таълими тарихи бўлими мудир**



Мусикий кеча

**“Устоз таратгайдир дилларга зиё”**



Муаллим – асрлар оша қалбларимизни илм-маърифат зиёси билан чарогон этиб келаётган мўътабар зот. Бу ёруғ оламда инсон закоти ила неки мўъжизалар яратилган бўлса, барининг наққоши устоздир. Бухоро вилояти кўзи ожизлар махсус кутубхонаси ходимлари “1 октябрь – Ўқитувчи ва мураббийлар кунини” муносабати билан ушбу шарафли касб эгаларини байрам билан табриклаш, уларнинг кайфиятига масофадан туриб бўлса-да, кўтаринкилик улашиш мақсадида “Устоз таратгайдир дилларга зиё” мавзуида мусиқали кеча ташкиллаштиришди. Бугунги пандемия шароити туйғайли байрам дастури тегишли чораларга амал қилган ҳолда аҳолига етказилди. Кечани

кутубхона ходимлари С.Мардонова, А.Ўроқовалар олиб боришди. Тадбирда ходимлар томонидан устоз ва мураббийларни мадх этувчи шеър ва қўшиқлар ҳамда табрик сўзлари тингловчилар ҳукмига ҳавола этилди.

**Элмира СОЛИЕВА,**  
Бухоро вилояти кўзи ожизлар кутубхонаси ходими

Соғлом ҳаёт сари

Тадқиқотчилар фикрича, кимдир шунчаки ҳордиқ чиқариш, яна кимдир шерикларига қизиқиш туйғайли ҳам чекади. Майли, саломатлиги билан ўзи ҳисоблашадиганлар яна бир бор диққатингизни қаратсангиз, фойдадан холи бўлмас.



## Чекишнинг ташқи ҳамда ички хавфи

**ДИҚҚАТ: тиббиёт оғоҳлантиради ЎПКА САРАТОНИНИНГ АСОСИЙ САБАБЧИСИ – НИКОТИН!**

Тамаки тутунида 4000 дан зиёд кимёвий унсурлар мавжуд бўлиб, улар та на фаолиятига таъсирини ўтказмай қолмайди. Шуларнинг 43 дан ортиғи ўсма касалликлари келиб чиқишига сабаб бўлса, 400 дан ошиғи токсик (заҳарли) моддалар ҳисобланади. Текширувларда аниқланишича, ўпка саратонига чалинганларнинг 90 фоизи кашандалардир. Шунингдек, чекувчилар орасида нафас аъзолари ва юрак-қон томир касалликлари ҳам анча кўп учрайди.

Тамаки тутуни сузиб юрган хонада бир соат қолиш тўртта сигарета чекилгандаги заҳарланишга тенг! Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотида кўра, 700 миллион, яъни жаҳондаги болаларнинг қарийб ярми иккиламчи тутун таъсири остидадир. Бу эса болаларда респиратор касалликлар, зотилжам, астма келиб чиқиш эҳтимолини кучайтиради. Тамаки тутуни таъсирида бош оғриғи, кўз конъюнктивасининг зарарланиши, бош айланиши, йўтал, томоқ қичиши, кўнгил айнаши каби ҳолатлар келиб чиқади. Хўш, буларнинг қай бири ҳайдовчи учун ҳам “фойдали” экан?!

Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатдики, тамаки чекиш оқибатида юзага келадиган касалликлар меҳнатга лаёқатли ёшдаги чекувчи эркалар ўртасида чекмайдиганларга нисбатан уч баробар кўп учрайди.

### ҲАЙДОВЧИЛАР, КЎЗИНГИЗНИ АСРАНГ

**Дард аломатлари:** Нигоҳларда толиқиш, кўз атрофи қизаради, кўз олдинги энгилгина туман қолайди, кўз сабабсиз ёшланади, у ачишиб, худди кум тиқилгандек ҳолатни ҳис этасиз, киприк қоқишингиз тезлашган, нарсалар иккита кўриняпти, кўз ва унинг атрофида тез-тез оғриқ қўзғалади, мужгонларингизда оғирлик сезилади, нарсаларни кўришда мўлжалдан адашиб кетасиз...

Айтинг-чи, шу ҳолатда ўзингизни рўлда кўра олсангизми?

Ушбу белгиларнинг икки ёки учтасини ўзингизда сезаётган бўлсангиз, демак,

кўзингиз толиқиши ўрта даражада. Бирок бу аломатлар тўртта ёки ундан ортиқ бўлса, гавҳарингиз толиқиши сурункали тус олган ва бу ҳолатда сизга фақатгина тезда чекишдан воз кечиш ҳамда мутахассисга кўриниш тавсия этилади.

**ФАКТ:** Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотида кўра, ҳар йили дунёда 5 миллионга яқин киши тамаки чекиш билан боғлиқ касалликлар туйғайли вафот этади. Аксарият ҳолларда уларнинг ярмини 35 дан 69 ёшгача бўлган одамлар ташкил этади. Бу кўрсаткич сил, ОИТС ва безгак касалликлари сабабли жами вафот этганлардан ҳам кўпроқ. Ташкилот мутахассисларининг ташвишлиниб таъкидлашича, кашандалар сони тобора ортомқда ва шу тахлитта давом этадиган бўлса, чекиш қурбонлари сони йилига 10 миллионни ташкил этиши мумкин. 2030 йилга бориб эса чекиш бевақт ўлимнинг энг асосий сабабларидан бирига айланади ва барча ўлимларнинг 10 фоизига яқинини ташкил этиш эҳтимоли бор...

### ЎЗБЕКИСТОНДА...

Афсуски, чекувчилар сони юртимизда ҳам ортомқда. Айниқса, ёшлар ва ёш аёлларнинг тамакига ружу қўяётгани ачинарли ҳолдир.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти маълумотларига кўра, Ўзбекистонда ҳар йили 30 мингга яқин киши айнан чекиш билан боғлиқ касалликлар туйғайли ҳаётдан кўз юммоқда.

**Тадқиқотлар натижасидан...**  
• Юртимиздаги жами эркаларнинг 23 фоизи ва аёлларнинг 1 фоизи чекувчилардир.

• Кашандалар айниқса, шаҳарларда кўп.

• Чекувчи эркаларнинг асосий қисми 25-29 ёшда,

• Аёллар, айниқса, 15-19 ёшли қизлар орасида чекувчилар кўп.

• Чекувчи эркаларнинг 47 фоизи кунига 5-20 дона сигарета чекади.

**Мааслаҳат:**  
**ЧЕКИШНИ ТАШЛАЙ ОЛАСИЗМИ?**

Бу савол кўп кашандаларни ҳам қийнаб, ҳам қизиқтириб келади. Ам-

мо чекишни ташлаш осон эмас. Бунинг учун, аввало, мустаҳкам ирода зарур, қолаверса, кашандаликка қай даражада боғланиб қолганлик ҳам муҳимдир.

- Сигаретадан, яхшиши, аста-секин эмас, бирданига воз кечинг.

- Чекишни ташлашга қарор қилгач, чекиладиган жойларда камроқ бўлинг.

- Ўзингизни овутинг, масалан, спорт машғулоти билан шугулланг.

- Бир ой давомида спиртли ичимликлар ва қаҳва ичмасликка ҳаракат қилинг, чунки улар чекишга иштиёқ уйғотар экан.

### ДУНЁ БЎЙЛАБ

#### ЧЕКИШ ҲАҚИДА 8 ТА ФАКТ

• Янги Зеландияда умумий жойларда чекиш тақиқлангач, охириги чекилган сигарет қолдиги Интернет аукционда 5300 долларга сотилган.

• Дунёда тамаки тобелигидан тузалишнинг 120 тури мавжуд (амалда фақат 40 га яқин тури ишлатилади).

• 1965 йилда Буюк Британияда тамакининг телевизион рекламиси тақиқланган. Орадан 40 йил ўтгач, Россияда ҳам шундай қарор қабул қилинган.

• 1588 йилда виржиниялик Томас Харриет организмни умумий соғломлаштириш сифатида ҳар кунлик чекишни тарғибот қилган. Афсуски, унинг ўзи маълум вақт ўтгач бурун саратонидан оламдан ўтган.

• Чекишнинг энг кенг тарқалиш сабаби – бу ташқи кўринишдаги деярли бегаразлик, аммо шу вақтнинг ўзида ички томондан унинг вайрон қилувчи хусусиятидадир.

• 95% чекувчилар миокард инфарктини бошдан ўтказганларидан сўнг, шу заҳоти чекишни ташлайдилар. Ҳеч қандай маъруза ва тарғиботларнинг ҳожати йўқ, касалларнинг ўзлари шундай қарорга келишади.

### СЎНГСЎЗ ЎРНИДА...

Албатта, ҳулосалар ҳар доим ҳам бизнинг фойдамызга ҳал бўлмайди. Инсон учун соғлиқнинг ўзи энг буюк мўъжиза эканлигини англаганлар эса, келтирилган фикрларга бефарқ бўлмас, деган умиддамиз. Биз эса шунчаки эслатдик, холос.

**Шоҳжаҳон тайёрлади.**

Машхур ёдгорлик



## Султон саодат мажмуаси

Сурхондарё ўзининг бой маданий ва маърифий мерослари билан яхши танилган. Бу воҳода кўплаб азиз-авлиёлар, уламо ва фузалолар мангу кўним топган. Термиз шаҳрининг шимоли-шарқий қисмидаги Султон Саодат (Сайидлар султони) номли машхур меъморий ёдгорлик ҳам шулар жумласидандир.

XI-XVII асрларда қад ростлаган мажмуа 20 га яқин мақбарадан иборат. Пештоқ ва гумбазли чорсу хонали салобатли иморатлар ўз даврида юксак дид билан безатилган. Ундаги энг қадимий қурилма жануби-ғарбидан ўрин олган баланд гумбазли айвон пештоқи остидаги қабрлар билан тўла икки мақбарадир. Иқовини бирлаштирувчи гумбаз остидаги кенг майдон эса масжид вазифасини ўтаган. Турли ўйма шаклдаги гиштлари жуда моҳирона ва ҳар хил услубда терилган.

Биринчи мақбарда ХХ асрнинг иккинчи ярмида вафот этган ва шу атрофдаги ерларнинг йирик мулкдори бўлган, ўзига яраша обрўга эга оила бошлиғи, пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) авлодидан ҳисобланган Ҳасан Ал-Амир исмли Саиднинг хоки ётибди. Бу мақбара залнинг ички томонидан серхашам қилиб безатилган.

Ҳар икки мақбара эштиги кўнғирокдор айвонли бўлиб, ҳовлига қаратиб қурилган. Бу услуб эса кейинчалик ансамбли ривожлантириш режаси сифатида хизмат қилди. XV асрда мақбара қайта таъмирланди.



Амир Темуралимидан (1405) сўнг Термизни ўз ихтиёрига олган набираси Мироншоҳ ўғли Халил Султон (1405 – 1409) томонидан ҳам Султон Саодат мақбарасида бир мунча таъмирлаш ишлари олиб борилиб, айвон бўйи баландлаштирилди. XV асрнинг иккинчи ярмида қўшмақбаралар рўпарасида қўшимча янги икки мақбара бир-бирига қаратиб қурилди. Натижада бутун мажмуа қурилмаси ўзгарди.

Кейинги барпо этилган мақбараларда беақлар бўлмаган. Бироз вақт ўтиб шимолий мақбара ёнида, яъни яна икки гуруҳ иморатлар ўртасида айвон ва гумбазли бинолар қурилади. Улар оддий пишиқ гишдан терилган. Шу тариқа тугалланган Султон Саодат мажмуаси айвонли ва йирик гумбазли бош мақбара (Ҳасан Ал-Амир мақбараси) атрофидаги гуруҳланган иморатлардан иборат ҳолга келган. Мазкур маданий ёдгорлик мўғуллар истилоси даврида вайрон қилинган Термиз шаҳридаги му-сулмонларнинг янгида яратилган йирик меморчилик ансамблидир. Султон Саодат қарийб етти аср (X-XVII) давомида шаклланиб, 20 га яқин мақбарани ўз ичига олади.

**Гулчеҳра ЮЗБОЕВА, Сухроб ҚУРБОНОВ,**  
Термиз давлат музей-қўриқхонаси ходимлари

Истеъдод - 2020

## “Умрбоқий наволар”



Миллий мусиқа санъатимизни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Маданият вазирлиги томонидан ўтказилаётган тадбирлардан яна бири “Умрбоқий наволар” деб номланди. Қадимий чолгулар ижрочилари учун онлайн тарзда ўтказилган республика кўрик-танловининг “Энг яхши танбур ижрочиси” йўналиши бўйича Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Қундузак қишлоғида тугилган Муҳиддин Тўрақулов голиб деб топилди. У ҳозирги кунда Ўзбекистон давлат консерваторияси Мақом чолғу

ижрочилик кафедрасининг 2-босқичида ўқийди. Танбурни чертганида борлиқни унутадиган, тингловчиларни ҳам чуқур хаяжонга солиб қўядиган ёрқин истеъдод эгаси ҳозир 25 ёшда. Танловда у устоз санъаткор Турғун Алиматов ижодидан намуналар, шунингдек, “Тановор” куйини чалиб эътиборга тушди. Қуни кеча Муҳиддинга танлов голиби сифатида Диплом ва совғалар топширилди. Ёш иқтидор эгасига бундан кейинги ўқиш ва ишларида ҳам омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

### Ўтмиш ва бугун

Музейлар – ўтмиш билан бугунни боғловчи кўприк, шунингдек, бекиёс маънавий-маърифий манбалар жамланган даргоҳдир.

Мамлакатимизда йилдан-йилга мазкур соҳа ривожига жиддий эътибор қаратилмоқда. Фан, маданият, санъат ва тарихни ўзида жам қила олган маскан – музейларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда бажарадиган вазифаларидан энг муҳими таълим-тарбиядир.

Музей заллари бўйлаб ўтказиладиган экскурсиялар, маърузалар, илмий маслаҳатлар халқимиз, айниқса, ёшларга таълим-тарбия беришда ўзига хос услуб саналади.

# Музейлар – маданиятимиш чорраҳаси

Республикамиздаги энг катта музейлар қаторида халқимизга хизмат кўрсатиб келаётган, тарихимизни, маданият ва санъатимизни ноёб нодир топишлар билан хорижий ва маҳаллий томошабинларга кўз-кўз этаётган Термиз археология музейи ўз фаолиятини 2002 йил 2 апрелда бошлаган. У Термиз шаҳрининг 2500 йиллик юбилеи муносабати билан Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ташаббуси билан ташкил этилган.

Музейлар томошабинларнинг ҳордиқ чиқариши учун шароит яратиш, уларга ахборот бериш билан бирга жамиятнинг маданий ривожига ҳам улкан ҳисса қўшади. Кундан-кунга тараққийёт жадаллашаётган бугунги замонда музейларимизда ҳам коммуникативон технологияларни кенгайтириб, ҳозирги жаҳонда рўй бераётган эпидемиологик вазиятдан келиб чиқиб, виртуал кўргазмалар ташкил этиш ва омалаштириш томошабинлар сонининг ошишига замин яратлади.

Ватанимиз тарихи, анъана ва бой маданий меросимиз, бетакрор меъморчилик ёдгорликлари, археологик объектлардан топилган ноёб осори-атикалар, зиёратгоҳлар ҳамisha барчани ўзига ром эта олган.

Музейларда сақланаётган нодир ашёларнинг 3D кўринишда хорижий тиллар билан сайқалланган ҳолда томошабинларга тақдим этилиши ўзига хос янгиликдир. Бугунги кунда ушбу масканлар нафақат маънавий-маърифий даргоҳ балки илмий-тадқиқот маркази ҳамдир. Музей фондларида сақланаётган ноёб топишлар кўплаб тадқиқотларда катта самара беради.

Замонавий туризм турли соҳалар, муносабатлар ва алоқаларда шаклланади. Туризм соҳаси кўп аспекти кўринишга эга бўлиб, катта тарихий таърифага эга. Инсоният доимо саёҳат қилишга ва янгиликка интилган. Айнан саёҳат ва янги ерлар билан тани-

шиш туризмнинг шаклланишига хизмат қилади.

Музейшунослик ривожига археологик ёдгорликлар, тарихий-маданий масканлар, тарихий-архитектура иншоотларида музейлар ва юқори сифатдаги сервисни ташкил этиш даркор. Ушбу масканларда хорижий ва маҳаллий томошабинларга енгил таммади учун қаҳвахоналар, махсус дам олиш ўриндиқларини ўрнатиш орқали ҳам маҳаллий, ҳам хорижий сайёҳлар оқимини кўпайтириш мумкин.

Бугунги кунда Сурхондарё ҳудудига 10 га яқин хорижий давлатлар археологлари билан археологик қидирув-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Айнан шундай экспедицияларда ўзбек-француз археологлари томонидан 2012-2016 йиллар мобайнида қўлга киритилган топишлар 2017 йил 4 август кунини Париж-ENS археология ва филология лабораторияси ҳамда Эколь Нормаль Суприер университети ходимлари МА-ФУЗ экспедицияси аъзолари тарафидан Термиз археология музейига топширилди.

2016 йил 13 августда эса Термиз археология музейи ва Япониянинг Рисшо университети ўртасида тузилган илмий ҳамкорлик ишларини давом эттириш масалалари кўриб чиқилиб, истиқболли режалар белгилаб олинди. Музокаранинг эртаси кунини “Fujiitsu” компанияси (Япония) ва Рисшо университети вакиллари Термиз археология музейидаги экспонатларни томоша қилишди. Хорижлик музокарачилар, айниқса, “Қадимги Бақтриянинг Ку-



Марказий Осиё тадқиқотлари халқаро институти директори Д.А.Воякинлар томонидан имзоланди.

2018 йилнинг апрель-июнь ойлари эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ва Шимоли-ғарбий университет (Хитой Халқ Республикаси Сиань шаҳри) қошидаги “Буёқ ипак йўли ва унинг маданий меросини ўрганиш маркази” билан тузилган илмий шартномага кўра, даставвал ҳамкорликдаги тадқиқотлар Сурхондарё вилоятининг Узун туманида археологик қидирув ишлари билан бошланди. Бу жараёнда асосий эътибор Холчаён атрофини ўрганиш, хусусан, бу қадимги манзилда истиқомат қилган аҳоли қабрларини аниқлаш ва Узун туманининг Боботоғ адир қисмини мукаммал кидириш билан чегараланди.

2019 йил 8 апрелда Термиз шаҳрида бўлиб ўтган “Халқаро бахшичилик санъати” фестивали доирасида Термиз археология музейи мажлислар залида дунёнинг кучли мусиқа мутахассислари иштирокида мусиқа меърамонли, номоддий маданий мерос

ҳимояси ва бошқа масалалардаги давра суҳбати ҳамда дунё мусиқа фестиваллар ва халқаро мусиқий лойиҳалар тақдимотлари бўлиб ўтди.

Унда бир қатор давлатлардан халқаро мусикашунос экспертлар иштирок этишди. Жумладан, Эстониялик Раҳо Лангсеп, Руминиялик Андрес Батленди, Болгариялик Николов Колоян, Ҳиндистонлик Дивя Батиа, Хорватиялик Гиганте Саралар, шунингдек, Қозоғистон, Арманистон, Вьетнамлик мутахассислар, яна маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашишган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 июндаги фармонида кўра, жорий йилнинг 22 – 27 август кунлари Тошкент-Термиз-Самарқанд шаҳарларида “Моддий ва номоддий маданий меросни асраш: долзарб муаммолар ва уларни ҳал қилиш стратегияси” мавзусидаги халқаро анжуман, “Ўзбекистон-буёқ йўллар ва цивилизациялар чорраҳаси: империя, дин, маданият” мерос ҳафталиги доирасида 2019 йил 24 август кунини Термиз археология музейида “Қушон подшолиги маданияти дурдоналари – Термиз археология музейи хазинасида” номли кўргазма намойиши бўлиб ўтди.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкин, бугун музейлар фондидини бойитишда археологик тадқиқотларни ташкил этиш ва хорижий археологик экспедицияларда иштирок этиш ҳамда нуфузли йиллик ҳисобот кўргазмаларини ташкил этиш даркор.

У.НОРБОВЕВ,

Сурхондарё вилоят маданият бошқармаси бошлиғи ўринбосари

МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИС: «Dildosh media» МЧЖ, ҳамкор: Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги

Бош муҳаррир Дилбаҳор Худойбердиева  
Таҳририят манзили: 100029, Тошкент шаҳри, Тарас Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чоп этилади.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 10.04.2018 й. 0803 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Таҳририятта келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри таҳририят фикридан фарқлиниши мумкин.

«Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова  
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева  
Навбатчи: Н. Содиқова  
Адади - 8220 Буюртма - Г - 1027  
Сотувда келишилган нархда  
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табоқ

Газета “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буёқ Турон кўчаси, 41.  
Босмаҳонага топшириш вақти - 00.30  
Топширилди - 00.00  
1 2 3 4 5 6